

“Мен, куйида имзо чекувчи Альфред Бернхард Ноель ўйлаб, бир қарорга келдим ва ушбу нома оркали вафотимгача орттирган мол-мулким хусусидаги васиятни эълон қиламан. Мендан кейин қоладиган, сотса бўладиган барча мулкни васийларим қимматбаҳо қозғаларга айлантириб, жамгарма ташкил қилишлари қерак. Ундан қоладиган қоизлар ўтган йилда одамзодга энг қатта қойда қелтирганларга муқофот тарзида берилсин. Қоизлар бешта тенг бўлаққа тақсимланиб, қуйидагиларга берилади: биринчи қисми – физика соҳасида муҳим қашфиёт ёки ихтиро қилган одамга, иккинчиси – қимё соҳасида йирик қашфиёт қилган ёки уни тақомиллаштирган одамга, учинчиси – физиология ёки медицина соҳасида буюқ ютуқларга эришган одамга, тўртинчиси – инсоний идеалларни ақс эттирган буюқ бадиий асар ёзган одамга, бешинчиси – халқларнинг жипслашувига, қулликни йўқотишга, мавжуд армияларни қисқартиришга ва тинчлик шартномаларига ҳисса қўшган одамга.

Физика ва қимё соҳасидаги муқофотлар Швеция қироллик қанлар академияси томонидан, физиология ва медицина соҳасидагилар – Стокгольмдаги қироллик Каролин институти томонидан, адабиёт соҳасидагилар Швеция академияси томонидан, тинчлик муқофоти – Норвегия парламенти сайлайдиган беш қишлоқ қўмитаси томонидан берилиши қерак.

Менинг алоҳида истагим шуки, муқофот берилишига номзоднинг миллати таъсир этмасин, муқофотни скандинавияликми ё бошқа, бундан қатъий назар, энг муносиб одамлар олишсин.

Ушбу васиятим охиргиси ва узил-қесилдир, у қонуний қучга эга ва агар, вафотимдан кейин олдинги васиятномаларим қикиб қолгудек бўлса, улар ўз қучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Нихоят, менинг сўнгги талабим шуки, охирги нақасимдан кейин вақолатли врач ўлим етганини аниқласин ва шундан кейингина жасадим қуйдирилсин”.

Париж, 1895 йил, 27 ноябр
Альфред Бернхард Нобель

Нобель муқофоти Васиятномада айтилган беш йўналиш бўйича 1901 йлдан бошлаб берилган. Васиятномада қўзда тутилган муқофот икки лауреатга тенг тақсимлаб берилиши мумкин. Ярим муқофотнинг биттаси яна икки қисмга тақсимланиши мумкин. Шундай қилиб, қайсидир соҳада қўпи билан уч қишига битта муқофот берилади. Шу сабабдан турли йиллардаги муқофот пули турли миқдорда бўлиб қолади. Ундан ташқари, муқофот пули Нобель жамғармасининг йиллик даромадига ҳам боғлиқ. Энг биринчи муқофотлар 42 минг доллар бўлса, кейин 100 минг 200 минг долларга, 1999-2000 йилларда эса бир миллион долларга қикди.

“Нобель мукофоти олган адиблар”
китобидан